Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 8-iyul. Seshanba • 82 (31.829) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz




ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

# СИРДАРЁДА СОҒЛОМ БОЛАЛАР УЛҒАЙМОҚДА

Президентимиз 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилганида, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда юртимизда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари, скрининг ва перинатал марказлар, аёллар тиббий консультациялари, туғруқхона комплекслари, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктлари моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар ва малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари долзарб аҳамият касб этмоқда. Мухбиримиз Сирдарё вилояти мисолида ушбу мавзуга мурожаат қилди.

► Давоми 3-бетда.




БАНДЛИК

## Коллеждан корхонага

**Фарғона вилоятининг барча шаҳар ва туманларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига мутахассислик дипломлари топширилмоқда.**

Фарғона вилоятидаги мавжуд 156 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши учун барча шароит яратилган. 2013/2014 ўқув йилида вилоятда 60 минг 900 нафардан зиёд йигит-қиз касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни битирди.

Тошлоқ хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган битирувчиларга диплом топшириш маросимида 276 нафар битирувчига мутахассислик дипломи ва меҳнат дафтарчаси топширилди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

– Коллеж битирувчилари бугун тайёр мутахассис сифатида барча соҳаларда иш бошламоқда, – дейди коллеж директори Маҳмуджон Маматов. –Битирувчилардан саккиз нафари имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, қолганлари эса ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашаётир.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

## СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ

*қандайлигига, аввало, сайловчи баҳо беради*



ЎзХДП Уставига мувофиқ шу кунларда ҳудудий партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда. Маълумки, партия конференцияси ҳудудий партия ташкилотининг олий органи ҳисобланади. Ҳудудий партия ташкилотларининг навбатдаги конференциялари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми томонидан белгиланган муддатларда беш йилда камида бир марта чақирилади.

Ҳудудий партия кенгаши конференциялар оралиғида тегишли ҳудудий партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, унинг манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан иш юритади.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**Яқинда ЎзХДП Иштихон туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг 5 йиллик фаолияти, шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг ишлари таҳлил қилиниб, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.**

## АМАЛИЙ ИШЛАР ҚАНЧА КЎП БЎЛСА,

*хайрихоҳларимиз сафи шунча ошиб бораверади*

— Ҳисобот даврида партия ташкилотимиз анча ривожланди, электорат манфаати ҳимояси йўлида қатор амалий ишлар қилинди, — деди **туман партия кенгаши раиси Лола Булакова**. — Ҳисобот даврида туман партия кенгашининг 10 та пленуми, ижроқўмнинг 45 та йиғилиши ўтказилди. ЎзХДП туман кенгашида 29 та БПТ бўлиб, ҳисобот даврида 265 киши партия сафига қабул қилинди, шундан 94 нафари хотин-қизлар, 12 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Халқ депутатлари туман Кенгашида фаолият кўрсатаётган 7 та доимий комиссиянинг 3 тасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар раислик қилмоқда.

Депутатларимиз фаолияти ҳар қачонгидан кучайди. Халқ депутатлари туман Кенгашида 30 нафар депутат бўлиб, уларнинг 13 нафарини ЎзХДП вакиллари ташкил этади. Ҳисобот даврида халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларига 3 та масала киритилиб, шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Депутатлар электоратимиз манфаатларига дахлдор қатор масалалар бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб боришди. Хусусан, ўтган йили партиямиз гуруҳининг иш режасига асосан «Туманда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш» Дастури, Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида», «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида» ва «Ишламаётган оналарга боласи 2 ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги» қарорларининг Иштихон шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда Чордора ҚФЙ ҳудудидаги маҳаллаларидаги ижроси ўрганиб чиқилди. Шунингдек, вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг давоматини яхшилаш, амалиёт ўташи самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ишга жойлаштириш масалалари бўйича ҳам назорат-таҳлил ишларини олиб бордик.

► Давоми 2-бетда.

**Ҳисобот даврида қилинган ишларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликларни очиқ кўрсатиш ва уларни бартараф қилиш бўйича аниқ таклифлар билдириш, ҳаётий режаларни ишлаб чиқиш партия ташкилоти фаолиятини кучайтиришга хизмат қилади. Ҳисобот бу — таҳлил, сайлов — холис баҳо дегани.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## Бунёдкорликка хизмат қилаётган корхоналар

**Бугун Жиззах вилоятида қурилиш ашёлари ишлаб чиқарига ихтисослашган 131 та катта-кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудда қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми ана шу корхоналар томонидан қопланяпти.**

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Биргина ўтган йили пишиқ ғишт, шлакоблок, қуриш қоришма, оҳак, алюминий эшик-ромлар, темир-бетон плиталар, металл конструкциялар, мармар, ёғоч, қум-шағал, гранит плита ва томёпқичлар ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 11 миллион 330 минг АҚШ долларига тенг бўлган 89 та лойиҳа амалга оширилди. Натижада 1175 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда бу кўрсатгич янада ошади ва 2000 дан зиёд иш ўрни пайдо бўлади.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг асосий қисми қишлоқ туманларида фаолият кўрсатмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилди

**Иштихон туманида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида «Кўкрак бези саратони» акцияси ўтказилди.**

Олти кун давомида вилоят онкология диспансерининг малакали мутахассислари томонидан туман кўп тармоқли марказлашган поликлиникаси ҳамда Митан қўрғонидаги поликлиникада узоқ қишлоқларда яшовчи 362 нафар хотин-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди.

Кўрик натижаларига кўра, кўкрак бези саратони аломатлари бўлган аёлларга вилоят онкология диспансерида даволаниш учун йўлланма берилди.

**Ўз мухбиримиз.**

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

## Таклифлар ҳисобга олиняпти

*қонун ижодкорлиги жараёни такомиллашиб боряпти*



www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

***аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиради. Буни ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.***

Ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шериклик муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, ҳаётимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли янада кучайиб бораётган бир пайтда ижтимоий шерикликни қарор топтиришга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боряпти. Шу боис Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ғоялари асосида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2

*Газетамизнинг навбатдаги сонида*

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлигини ошириш бўйича ўзига хос тажрибага эга...

Сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида улкан қадамлар ташланди

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

# СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ

## *қандайлигига, аввало, сайловчи баҳо беради*

Бугун халқ сиёсий партиядан, депутатдан кўп нарса кутади, талаб қилади. Уларнинг кучига ишонади. Сиёсий партия халқнинг эҳтиёжларини биринчи бўлиб англаши, муаммоларни ўрганиб, самарали ҳал қила олиши зарур.

Депутатдан эса чин маънода одамлар дарди билан яшаши, уларнинг муаммоларини жон куйдириб ҳал қилиши талаб этилади.

ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси устидан назорат ўрнатиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш масалалари қизғин муҳокама қилинди.

Кўргазмали конференцияда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, туман ва шаҳар кенгаши раислари ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди.

Сўнгги беш йил ичида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида улкан қадамлар ташланди. Бу жараёнда партиямиз ҳам фаол иштирок этиб, ижтимоий-сиёсий масалаларда ўзининг қатъий позициясини кўрсатди.

Бугунги кунда ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгашида 77 бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг 42 таси ҳудудий партия ташкилотларидир. Мазкур бошланғич ташкилотлар аҳоли муаммоларини ўрганиб, таклифларини юқори партия ташкилотлари ва депутатларга етказишда фаоллик кўрсатмоқда.

— Биз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак, партиямиз низоми ва дастурига қараб, сайловчи унга баҳо беради, — дейди **ЎзХДП Чирчиқ шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Дониёр Азизхўжаев.** — Партия ташкилотларимиз ўтган давр мобайнида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами, кам таъминланганлар, таълим, тиббиёт соҳаси ходимлари, ўқувчилар, ёш оилалар, иш билан банд бўлмаган аҳоли қатлами манфаатини ҳимоя қилиш ва уларга кўмак бериш борасида муайян ишларни амалга оширди. Барча даражадаги депутатлар томонидан мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилди.

Биз электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий масалаларни ҳал этишга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Бу борада тўпланган масала ва муаммоларни умумлаштириб, вилоят, республика даражасигача олиб чиқишимиз ва уларни ижобий ҳал этишга эришишимиз зарур.

Ўтган йили халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан иккита масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига турли масалалар юзасидан 18 марта депутатлик сўровлари юборилди. Уларнинг аксарият қисми ўзининг ижобий ечимини топди.

Конференцияда шунингдек, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган ишлар, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш борасидаги ишлари таҳлил этилди.

— Сиёсий партия аҳолига ўзининг дастурий мақсадлари ва режаларини тушунтиришда унинг бажарган амалий ишлари муҳим аҳамиятга эга, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов.** — Мисол учун узундан узоқ назарий гаплардан кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган қатлам вакилларига ҳақиқий амалий ёрдам кўрсатиш одамларга кучлироқ таъсир қилади. Чунки бунда натижа кўриниб турибди. Бундай ишларни Чирчиқ шаҳар партия кенгаши тажрибаси мисолида ҳам кўряпмиз.

Айниқса, Чирчиқ шаҳридаги биринчи маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг иш тажрибаси кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, ўтган йили халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши сессиясида партия гуруҳи ташаббуси билан «Ўрта махсус таълим муассасалари битирувчилари билан уч томонлама шартнома тузиш ҳолати ва уларнинг ижросини таъминлаш тўғрисида»ги масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга эканини ҳисобга олсак, бу ташаббус нақадар муҳим экани ойдинлашади.

Йиғилишда, шунингдек, партия тадбирларини ўтказиш тартибларини янада такомиллаштириш, ҳар бир партия аъзосига ўз нуқтаи назари ва таклифларини очиқ-ойдин баён этишга имкон яратиш масалалари ҳам айтиб ўтилди. Сўнгра қатнашчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловлар масъулияти ҳақида фикр алмашди.

Конференцияда шаҳар партия ташкилоти тафтиш комиссияси ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши аъзолари, тафтиш комиссияси таркиби ва ЎзХДП Тошкент вилояти конференциясига делегатлар сайланди.

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

**Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, шу асосда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессиялари муҳокамасига долзарб ҳаётий масалаларни олиб чиқишда партиямиз Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Жамоатчилик қабулхонаси ишини янада жонлантириш ва такомиллаштириш учун, аввало, уларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бойитиш, қабулхоналарни аҳоли учун қулай бўлган вақт ва жойларда ташкил этиш лозим.**

# Ҳар бир мурожаат

## *унда кўтарилган муаммо ёки таклиф бўйича алоҳида тартибда ишлашни тақозо этади*

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида ўтказилган семинарда ана шу масала муҳокама этилди. «Партия электоратини безовта қилаётган ижтимоий масалаларни ҳал қилишда жамоатчилик қабулхоналарининг ўрни» мавзусида ташкил этилган семинарда партия фаоллари, депутатлар ва тумандаги Бешрабод ҚФЙ, «Янгиобод», «Келачи», «Юқори Бешрабод» маҳаллалари фуқаролари, тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

— Партиямиз маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар турли масалаларда бўлмоқда, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири Фахриддин Йўлдошев**. — Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар билан кўпроқ ҳамкорлик қилиш керак. Мурожаатларнинг ҳар бирига жиддий эътибор қаратиб, аввало, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва комплекс ҳал этиш керак бўлади. Бу жараёнда қабулхона ходимлари ва партия гуруҳлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, намунали қабулхоналар иш тажрибасини оммалаштириш, кўчма Жамоатчилик қабулхонасини кўпроқ ташкил этиш керак, деб ўйлайман.

— Таҳлиллар кўрсатишича, аҳолидан тушган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал хизмат, ўз ишини йўлга қўйиш, бандлик, маҳаллий ижро ҳокимияти масъулиятини ошириш каби масалалар ҳақида бўлмоқда, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов**. — Бу масалаларни ҳал этиш бевосита партиямиз электорати манфаатига хизмат қилади. Шу боис ҳар бир мурожаат, унда кўтарилган муаммо ёки таклиф бўйича алоҳида тартибда ишлаш керак. Бунда депутатлик сўрови ҳамда ижтимоий шерикчилик асосидаги муносабатлардан унумли фойдаланиш қўл келади, деб ўйлайман. Мурожаатларда кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилса, бу ҳам депутатга, ҳам партияга обрў келтиради.

— Айни кунда Навоий вилоятида партиямизнинг 11 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритаяпти, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Шерали Умаров**. — Ўтган йили қабулхоналарга 300 дан ортиқ мурожаат тушган бўлса, уларнинг аксарияти давлат идоралари ва тегишли ташкилотлар ёрдамида ижобий ҳал этилди, қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шу йилнинг май ойига қадар эса 143 нафар аҳоли турли масалаларда мурожаат этди. Биз уларнинг ҳар бирига жиддий эътибор билан қараяпмиз. Баъзида шундай мурожаатлар бўладики, масалани ўрганиш ва уни ечиш учун ишчи гуруҳи тузилади. Бунда гуруҳ таркибига малакали ҳуқуқшунос ва турли соҳа мутахассисларини ҳам жалб қиламиз. Муаммони бартараф этиш давомида фаоллар жойларга чиқиб, жамоатчилик фикрини чуқур ўрганади. Бу тажриба фаолиятимиз самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Семинар сўнггида фуқаролар ўзларини ўйлантираётган масалалар бўйича партия фаоллари ва депутатларга мурожаат қилишди. Саволларга жавоб берилди, айримлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари назоратига олинди.

Турли масалалардаги оғзаки ва ёзма 50 дан ортиқ мурожаат депутатларга тақдим этилди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

## Сариосиё туманида «Турон» савдо маркази

**фойдаланишга топширилди ва 70 кишининг бандлиги таъминланди. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ва коллеж битирувчилари ташкил қилади**

Жорий йили Сариосиё туманида умумий қиймати 13,8 миллион долларлик 130 та лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 267 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ўтган 5 ойда 66 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши натижасида 600 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Яқинда ҳудудда «Ғанишер Файз» хусусий корхонаси ташаббуси билан «Турон» савдо маркази иш бошлагани ҳам бандликка қаратилган лойиҳаларнинг амалдаги ижроси ҳисобланади.

— Икки қаватли иншоотнинг лойиҳа қиймати 1 миллиард 300 миллион сўмни ташкил қилади, — дейди **иш юритувчи Алижон Солиев.** — У «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Шарғун филиали кредити ёрдамида қад ростлади. Янги мажмуада 55 дан ортиқ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Мўъжазгина кафенинг ҳам фаолиятини йўлга қўйдик.

— Марказда 70 киши меҳнат қилмоқда, — дейди **ишчи Сабина Бобоназарова.** — Муқим касб эгаси бўлганларнинг асосий қисми хотин-қизлар ва коллеж битирувчиларидир. Ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилганидан хурсандмиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП: ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

# АМАЛИЙ ИШЛАР ҚАНЧА КЎП БЎЛСА,

## *хайрихоҳларимиз сафи шунча ошиб бораверади*

Конференцияда алоҳида қайд этилдики, жойларда жамоатчилик ва депутатлик назоратини янада кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Ҳудудий ривожланиш дастурлари юзасидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш амалиётини кенг йўлга қўйиш зарур. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича барча бирдек масъул экани, айниқса, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдамни ўз вақтида ҳамда манзилли кўрсатиш борасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда назоратни янада кучайтириш кераклиги таъкидланди. Шунингдек, доимий комиссиялар ва сессиялар қарорлари ижроси устидан изчил назорат олиб бориш, партия кенгашлари, депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Ҳар ойнинг охирги шанба куни ўтказиладиган «Бошланғич партия ташкилотлари куни»да қуйи бўғин етакчилари учун тизимли равишда долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.

— Қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш орқали сиёсий партия ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида самарали натижаларга эришади, — деди **«Метан» пахта тозалаш заводидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси Эркин Останов**. — Шу боис туман партия кенгаши қуйи ташкилотлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш чораларини мунтазам кўриб келмоқда. Бу эса бошланғич ташкилотлар ишини кучайтиришга хизмат қилаяпти. Жорий йилнинг шу даврига қадар бошланғич ташкилотимизда 10 га яқин тадбир, хусусан, сиёсий-фуқаролик маърифати тизимида ўқувлар, давра суҳбати ва семинар-тренинглар ташкил этилди. Уларга ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва бошқа мутахассисларни кўпроқ жалб этишга аҳамият бердик. Қуйи бўғиндаги тадбирлар доирасида электорат вакиллари билан муҳим мавзуларда фикр алмашилди.

Айтишим керакки, БПТ фаоллиги кўп жиҳатдан етакчининг салоҳиятига боғлиқ. Юқори партия ташкилотлари етакчилар учун семинар-тренинглар, маҳорат дарслари ва тажриба алмашиш бўйича тадбирлар ташкил этиши керак. Чунки жорий йилда олдимизда катта синов турибди. Сайловлар йилида хайрихоҳларимиз сафини янада кўпайтиришимиз учун, аввало, БПТлар фаолиятини кучайтиришимиз керак.

Конференцияда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳининг ҳисоботи эшитилиб, ахборот учун қабул қилинди. Шунингдек, ЎзХДП Иштихон туман кенгаши тафтиш комиссиясининг ҳисобот даврида олиб борган ишлари ҳақида маълумот берилди. Ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш ташаббусларини кўпайтириш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таклифлар, хулосалар умумлаштирилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Конференцияда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳисобот сайлов конференциялари партиянинг Каттақўрғон шаҳар, Нарпай, Каттақўрғон, Пастдарғом туман кенгашларида ҳам ўтказилди.

**Шаҳноза ПАРМАНОВА,**
**ЎзХДП Самарқанд вилоят Кенгаши масъул ходими.**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК

## *аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиради. Буни ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда.*

Қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик тушунчаси, ҳуқуқий субъектлари, принциплари ва асосий соҳалари борасида аниқ таъриф берилган. Шунингдек, давлат органларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий процессуал механизмлари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, вазирликлар, идораларнинг йўналишлари кесимида тармоқ дастурлари, жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳудудий дастурларни, шу билан бир қаторда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ҳамкорлик қилиш белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик тамойилларга мос ҳолда инсон ҳуқуқларининг тўла рўёбга чиқиши, қонуний ҳимоя қилинишининг яна бир ҳуқуқий кўринишидир.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Қонуннинг қабул қилиниши нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини таъминлашга, аҳамиятга молик ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳоли кенг қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олинишига кўмак беради.

— Ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг мақсадли ижтимоий ҳимояси, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий таъминот билан боғлиқ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, ЎзХДПнинг дастурий мақсадлари, электорат манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев.** — Қонун лойиҳаси Президентимиз Концепцияда илгари сурилган ғоя асосида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида фракциямиз томонидан бир нечта моддаларга электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар берилди. Жумладан, ижтимоий шериклик субъектларини аниқ белгилаб олиш таклифи берилмоқда. Шу асосида ижтимоий шериклик субъектларига давлат органлари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари киритилди.

Шу билан бирга, ижтимоий шерикликнинг аниқ шаклларини ифодалаш, кейинчалик уни ҳаётда ижро этилиши, муносабатларнинг шаклланишида бу муҳим ўрин тутиши тўғрисидаги таклифлар қонун лойиҳасида ўз аксини топди. Қонун лойиҳаси келгусида фуқаролик жамияти ривожи, мамлакатимизда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликнинг турли шаклларини ривожлантириш муносабатларини тартибга солишига, шунингдек, электоратимиз манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга муносиб хизмат қилади, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз электорати манфаатидан келиб чиқиб, бир қатор ташкилотлар билан ижтимоий шериклик кўламини кенгайтирмоқда. Айниқса, жойларда Марказий банкнинг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилган иқтисодий форумлар, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини амалга ошириш жараёнида бу муносабатлар яққол намоён бўлаяпти. Хусусан, иқтисодий форумларда ЎзХДП электорати вакилларидан 128 нафар киши ўз бизнесини бошлаш учун банкларнинг имтиёзли кредитларини олишга муваффақ бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий шериклик муносабатларини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали партиянинг электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари кўлами кенгайиб бормоқда. ЎзХДП дастурида бу борада муҳим вазифалар белгиланганини инобатга олсак, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни кучайтириш олдимизда турган долзарб масала экани маълум бўлади.

Муҳими, мазкур йўналишдаги ишларни кучайтириш фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жойларда учраётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда яхши самара беради, деб ўйлайман.

**Анвар ШЕРОВ,**
**ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати ходими.**

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

# СИРДАРЁДА СОҒЛОМ БОЛАЛАР УЛҒАЙМОҚДА

**1984 йил.** Сирдарё вилоят болалар шифохонаси Гулистон шаҳридан 15 километр олисда, Мирзаобод туманидаги мослаштирилган бинода фаолият кўрсатарди. Мазкур шифохонада тиббий технологиялар етишмасди. Соҳа мутахассисларининг узоқ ҳаракатларидан сўнг ушбу муассасада реанимация бўлими очилади.

Ўшанда вилоят маркази бўлган Гулистон шаҳрида болалар шифохонаси йўқ эди...

**2014 йил.** Гулистон шаҳрида жойлашган Сирдарё вилоят кўп тармоқли болалар маркази 2012 йилда тубдан қайта таъмирланди, бир неча бўлимлар янгидан қурилди ва энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Айни пайтда 9 бўлимдан иборат мазкур даволаш муассасасида бир вақтнинг ўзида 155 нафар болани стационар даволаш имконияти мавжуд.

Бу ерда 300 нафарга яқин тиббиёт ходими болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Соғлом бола йилида марказнинг жарроҳлик бўлими учун 50 ўринли янги бино қуриб битказилди. Бугунги кунда ушбу марказ Германиянинг умумий қиймати 680 минг евро бўлган KFW банки кредити ҳисобидан замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами арафасида ишга тушиши мўлжалланаётган иншоот сирдарёлик болалар сиҳат-саломатлиги йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлади.

Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши «Саломатлик-2» лойиҳаси бўлиб, у Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Унинг доирасида Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган 11 акушерлик комплексларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Улар замонавий ультратовуш аппарати, чақалоқлар учун реанимация, хирургик жиҳозлар, совутгичлар, наркоз воситалари билан таъминланди. Шунингдек, туғуруқ мажмуалари жорий таъмирдан чиқарилди.






### СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА КОНЦЕПЦИЯСИ: Скрининг ва перинатал марказлар аҳамияти

Мамлакатимиз бош майдонида фарзандини бағрига босиб турган она ҳайкали бор. Бу шунчаки ҳайкал эмас, балки унинг тимсолида она эъзозланган, бола улуғланган. Мана шу мақсад ва ғоя бугун бутун Ўзбекистон бўйлаб умумхалқ ҳаракатига айланди. Она ва бола саломатлиги давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Юртимизда бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар жаҳон миқёсида ҳам тан олинмоқда.

Халқимиз инсон қадри топталган, сиҳат-саломатлиги ҳеч кимни қизиқтирмаган оғир даврларни бошидан кечирди. Бу, айниқса, табиий шароити оғир бўлган чўл ҳудудларда аниқ кўзга ташланарди. Мустабид тузум одамларни эксплуатация қилар, уларнинг турмуш шароити, соғлиғи эса мутлақо аҳамиятсиз, қадрсиз эди.

Бугунги кунда Сирдарё вилояти аҳолисининг 213 800 нафарини туғуруқ ёшидаги аёл, 266 400 нафарини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Уларга туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларидаги акушерлик комплекслари ва болалар бўлимлари ҳамда вилоят Перинатал маркази, кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, вилоят аҳоли репродуктив саломатлик маркази ҳамда «Она ва бола» скрининг марказлари томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Ногирон болалар туғилишининг олдини олиш, туғма ва ирсий касалликларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида скрининг-оммавий текширув тадбирлари амалга оширилмоқда.

Антенатал скрининг дастурига асосан 2013 йил давомида 12837 нафар ҳомиладор аёл УЗД скрининги кузатувидан ўтказилди.

2014 йилнинг биринчи чорагида 5663 нафар ҳомиладор аёл ультратовуш текширувига жалб қилинди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 13875 туғуруқ қайд этилиб, чақалоқларнинг 13186 нафари туғма фенилкетонурия ва гипотиреоз касаллиги бўйича текширилди.

Соғлом бола йилида Сирдарё, Сайхунобод, Ховос, Сардоба туманлари ва Гулистон шаҳрида «Фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги» ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, республика ва вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларининг етакчи мутахассислари иштирок этди. Ҳафталик давомида вилоятнинг 5636 нафар аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

— Сирдарё вилоят «Она ва бола» скрининг маркази 2008 йилда ташкил этилган. Бу ерда асосан ҳомиладор аёлларда кузатилиши мумкин бўлган касалликлар текширилади, — дейди **«Она ва бола» скрининг маркази бош шифокори Турсуной Холбоева.** — Бу ишлар ногирон болалар туғилишини олдини олиш, турли ирсий ва наслий касалликлар билан туғилиш хавфини бартараф этишга қаратилган. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида марказда 2695 нафар ҳомиладор аёл УТТдан ўтказилди. Бугунги кунда ҳар бир туғилаётган чақалоқдан ФКУ ва ТГ касалликларига қон таҳлиллари олинади. Агар мазкур таҳлиллар натижаси ижобий бўлмаса, бола қайта текширувга ва даволашга юборилади...

Шунингдек, генетик маслаҳат марказнинг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу борада мурожаат этганлар билан ишланади, тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилади.

Бундан ташқари, туғма ва ирсий касалликларни бирламчи профилактикасини такомиллаштириш мақсадида аҳоли ўртасида «Скрининг текширув нима беради?», «Ҳомила нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари» каби мавзуларда семинар-тренинглар ташкил этилмоқда. Ёшларга эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, туғуруқлар орасидаги энг мақбул муддатга риоя этиш билан боғлиқ масалаларда тушунча берилмоқда.

Соғлом она — соғлом бола концепциясида муҳим ўрин тутадиган тизимлардан яна бири бу — Перинатал марказлардир. Сирдарё вилоят перинатал марказида бугунги кунда 150 даволаш ўрнига мўлжалланган. Ўтган йили марказда чақалоқлар реанимацияси бўлими ташкил этилиб, хорижда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий техника воситалари билан таъминланди.

Перинатал марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ҳамда ЮНИСЕФ ҳамкорлигида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таклиф қилган замонавий перинатал технологиялар — самарали перинатал ёрдам, шошилинч акушерлик ёрдами, болалар касалликларини даволашда интеграциялашган усулларни қўллаш, кўкрак сути билан боқиш ва чақалоқларга бирламчи реанимация ёрдами кўрсатиш бўйича ўқув семинарлари ташкил этилди.

— Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасига, айниқса, оналар ва болалар саломатлигига жуда катта эътибор қаратилаётган бугунги кунда бирорта онанинг касал бўлишга ҳақи йўқ деб ўйлайман, — дейди **Сирдарё вилоят перинатал маркази директори Ҳанифа Содиқова**. — Бир пайтлар бу шароитлар эртак, афсона эди. Бугун оила қурилишидан бошлаб тиббиёт ёрдамга келади. Бу никоҳдан олдинги тиббий кўрикдир. Оила барпо бўлиб, аёл ҳомиладор бўлиши билан ўзи яшаётган ҳудуддаги поликлиника ёки ҚВП томонидан ҳисобга олинади. Қишлоқ аёллари поливитаминлар билан бепул таъминланади. Барча тиббий хизматлар улар учун бепул. УТТ қилинади, барча таҳлиллар олинади. Ҳудудга бириктирилган акушер-гинеколог доимий кузатув олиб боради. Зарур бўлса вилоят, республика даражасида мутахассислар кўригидан ўтказилади. Тўғрисини айтсам, соғлом бола туғилиши учун ота-онадан кўра давлатимиз кўпроқ қайғуради. Бунга озмунча маблағ ажратиладими? Қанча тиббиёт ходимлари масъулиятни ўз зиммасига олади. Шу ўринда яна бир гап, ота-она ҳам масъулиятни ҳис этиши керак. Белгиланган тиббий муолажа ўз вақтида олиниши зарур. Шунда ногирон болалар уйлари бўлмайди. Ҳамма болалар соғлом туғилади.

— Перинатал марказда яратилган шароитлардан кўнглим тўлди, — дейди **гулистонлик Наргиза Раҳимжонова**. — Фарзандим соғлом туғилди. Шифокорларга миннатдорлик билдираман.

### ЯНГИЕР ТИББИЁТИ замонавийлашмоқда

Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасига кириб келган киши ўзини республика даражасидаги муассасага келиб қолгандай ҳис қилади. Бу ерда бугун жуда катта ҳажмда қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси бўйича ишлаб чиқилган режаларда асосий эътибор аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилган.

— Соғлом турмуш тарзига амал қилган инсон касал бўлмайди, — дейди **Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Маматғани Войдуллаев.** — Бу эса, энг аввало, унинг ўзи учун, оиласи учун, керак бўлса, жамият учун жуда катта бойликдир. Соғлом одам соғлом фикр юритади. Бутун куч-қудрати билан ишлайди. Бу соғлом ва унумли меҳнат деганидир. Бемор бор оилада руҳий тушкунлик, зўриқиш кузатилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда **Инсон саломатлигидан оила саломатлигига, оила саломатлигидан жамият саломатлигига** ғояси илгари сурилмоқда.

2014 йил март ойида шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2-сон поликлиникасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник мутахассислари иштирокида 800 нафарга яқин аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Унинг натижалари асосида беморларга тегишли тавсиялар, даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, бемор болаларни клиникаларда, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида ҳамда хорижий давлатлар клиникаларида даволанишини амалга ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Соғлом она — соғлом бола концепциясидан келиб чиқиб, шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 40 ўринли туғуруқ мажмуаси биносини таъмирлаш ишлари бошланган. Мустақиллик байрами арафасида мазкур бўлим ишга туширилади.




Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ қишлоқ врачлик пунктидан бошланади

Собиқ тузум даврида республикамиз қишлоқларида ФАП, КВА, КУШ деган тизим йўлга қўйилган эди. Каталакдай битта хонада фонендоскоп ушлаган фельдшер ва шприц қайнатаётган ҳамширага кўзингиз тушар эди. Улар беморларга туман марказида жойлашган кўп тармоқли поликлиникага бориб учрашишни маслаҳат берарди. Амалда қишлоқда малакали медицина хизматидан фойдаланишнинг мутлақо иложиси йўқ эди. Одамлар 20-30, баъзи чекка қишлоқлар аҳолиси 100 километр йўл босиб, туман марказига боришга мажбур бўларди. Айримларнинг эса касали оғир бўлиб, то етиб боргунча ҳаётдан кўз юмарди.

Ҳа, қишлоқ бор эди. Унда одамлар яшарди. Собиқ шўролар давлатига пахта етиштириб берарди. Ғалла етиштириб берарди. Мол, қўй боқиб, гўшт топширарди. Энг ачинарлиси, уларнинг соғлиғи ҳеч кимни қизиқтирмасди. Фақат режалар, тонналар, миллионлар ортидан қувиларди. Дардига даво излаган бечора одамлар эса сарсон-саргардон эди.

**Мустақиллик йилларида** биргина Сирдарё вилоятида 142 қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Ўтган йиллар ичида уларнинг моддий-техник базаси тўла маънода мустаҳкамланди.

2011-2013 йиллар давомида қишлоқ врачлик пунктларида 89 дорихона шохобчалари ва элликка яқин фитобарлар фаолият кўрсата бошлади. 2014 йилда яна 41 дорихона ва фитобарлар ташкил этиш кўзда тутилган. Шунингдек, 11 ҚВПга қуёш батареялари ўрнатилди.

Мирзаобод туманида жойлашган «Наврўз» қишлоқ врачлик пункти Сирдарё вилоятидаги энг намунали шифо масканларидан бири ҳисобланади. Ушбу қишлоқ врачлик пункти ҳудуддаги 4 маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган 3654 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Ушбу тиббиёт муассасаси 2011 йилда «Энг намунали ҚВП» кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритди. Республикада эса фахрли ўринга лойиқ кўрилди.

— Муассасамизда 10 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади, — дейди **«Наврўз» қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Феруза Қосимова.** — Ҳудудимиздаги аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Яқинда 462 нафар бола 8 тор ихтисосликдаги мутахассислар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Муассасамизда замонавий лаборатория мавжуд бўлиб, у 5 йўналишда таҳлил натижаларини кўрсата олиш имкониятига эга.

Ҳозирда қишлоқ врачлик пунктимиз биохимик анализатор, электрокардиограмма, микроскоп, центрифуга, УЗТ, электрофорез, қуритиш шкафи, амплипульс каби замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу эса касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва ташхис қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун ҚВПларни собиқ тузум давридаги ФАПлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. ҚВП — тиббиётимизни бош бўғини ҳисобланади. Бемор тўғри келиб истаган таҳлилдан ўтиши, юрагини кардиограмма қилдириши, шу ернинг ўзида дастлабки ёрдамни олиши, керак бўлса, стационар даволаниш имконияти бор.

Масаланинг яна бир муҳим томони, бу ерда бемор тўғридан-тўғри олий маълумотли умумамалиёт шифокори кўригидан ўтади. ҚВП жойлашган ҳудуддаги барча аҳоли сиҳат-саломатлиги тўлиқ назорат қилинади.

Мазкур тизим қишлоқ аҳолиси тиббий маданиятини ошириш борасида ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

### БУ ЮТУҚЛАРДА Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам катта ҳиссаси бор

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оналар ва болалар саломатлигини таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Партия ташкилотларимиз ва депутатларимиз томонидан аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди **ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов.** — Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз орасида тиббиёт соҳасида фидокорона хизмат қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, халқ депутатлари Сирдарё туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, Бахт шаҳар шифохонаси бош шифокори Роза Кулиева, Оқолтин туман Кенгаши депутати, туман марказий дорихонаси раҳбари Бахтиёр Ҳамроев, Янгиер шаҳар Кенгаши депутати, вилоят эндокринология шифохонаси бош шифокори Шоҳида Қаршиевалар бу борада алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар доимий комиссия ва сессияларида партия гуруҳларимиз ташаббуси билан соҳага доир қатор масалалар кўриб чиқилмоқда.

Халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисидаги масала сессия муҳокамасига киритилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Сирдарё туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ва ёшлар сиёсати масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида 2009-2013 йилларда аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишини, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қарор ижроси кўриб чиқилди. Мутасадди ташкилотлар зиммасига вазифалар юклатилди. Ҳозирда қарор ижроси партия гуруҳи назоратига олинган.

Партия гуруҳлари томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги шифохоналарда ва қишлоқ врачлик пунктларида Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги масала Сардоба ва Ховос туманлари мисолида ўрганилиши режалаштирилган...

Президентимиз айтганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**




## Фукусима реакторидаги совитиш тизимини тўхтатишга тўғри келди



**Расмий маълумотларга қараганда, Япониянинг «Фукусима-1» атом станцияси 5-блокидаги совитиш тизими тўлиқ тўхтатилган. Мазкур тизимни вақтинча оддий денгиз суви билан алмаштиришга қарор қилинди.**

Япония оммавий ахборот воситалари маълум қилишича, атом энергетика иншоотининг бешинчи блокидан сувнинг сизиб чиқиши аниқланган. Шу муносабат билан совитиш мажмуаси қувватсизлантирилган. Ҳозир реактор мажмуаси қувурлар орқали тозалаш тизимига тушаётган денгиз сувлари билан совитилмоқда. Япония маъмурларининг маълумотларига кўра, бу ҳолат ҳеч қандай жиддий хавф туғдирмайди.

## Инсульт об-ҳаво ўзгаришига ҳам боғлиқ...



**Яқинда АҚШда бўлиб ўтган халқаро конференцияда тақдим этилган янги тадқиқотлар натижаларига қараганда, атроф-муҳит ҳароратининг ўзгариши инсульт сабабли касалхонага ётиш ва ўлим ҳолатлари меъёрларига мос келади.**

Инсульт Америкада ўлим ҳолатига олиб келувчи тўртинчи сабаб ҳисобланади. Ҳар 18 ўлим ҳолатидан тахминан биттаси инсульт туфайли рўй беради. Америка инсульт ассоциацияси маълумотларига мувофиқ, ҳар йили 73,7 миллиард доллар маблағ инсульт билан боғлиқ тиббий харажатларга сарфланмоқда.

Олимларнинг аниқлашича, бир кун олдин рўй берадиган кескин ҳарорат ўзгаришлари ва ўртача кўрсаткичдан юқори даражадаги намлик инсульт туфайли касалхонага ётиш ҳолатлари сонини оширар экан.

## Ҳаёт бормикан бу сайёрада?..



**Космик фазони тадқиқ этаётган бир гуруҳ олимлар яқинда қуёш тизимида инсон яшаши мумкин бўлган сайёрани аниқлашганини маълум қилишди.**

Бошқа олимларнинг таъкидлашича, мазкур назарияни текшириш мушкул. Зеро, космик фазодаги бу иншоот ердан жуда олисда жойлашган. Аниқланган сайёра билан ер ўртасидаги масофа 16 миллиондан ортиқ ёруғлик йилига тенг.

2014-yil, 8-iyul. Seshanba 82 (31.829)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистонлик ҳакам жаҳон чемпионатида энг кўп ўйинларни бошқарган ҳакам сифатида тарихга кирди

ФУТБОЛ

# РАВШАН ЭРМАТОВНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ УЧРАШУВИ

## *жаҳон чемпионатида ярим финалчилари номи маълум бўлди*



***Бразилия яшил майдонларида давом этаётган жаҳон чемпионати чорак финал баҳслари кутилганидан-да шиддатли ва кескин ўтди.***

Ярим финал йўлланмаси учун кечган дастлабки ўйинда Германия — Франция терма жамоалари майдонга тушди. Мазкур баҳсни кўпчилик финал олдидан финалга қиёслаган бўлса ажабмас. Чунки ҳар икки жамоа ҳам ярим финал йўлланмасига муносиб эди. Унда 12-дақиқада Матс Хуммельс киритган ягона гол немисларга муҳим ғалабани туҳфа қилди ва Германия терма жамоаси қаторасига тўртинчи маротаба жаҳон чемпионати ярим финалига йўлланмани қўлга киритди.

Чорак финалнинг иккинчи учрашувида мезбонлар Колумбия футболчиларига қарши майдонга тушдилар. Унда бразилияликлар 2:1 ҳисобида зафар қучди. Аммо учрашувнинг охирги дақиқаларида мезбонларнинг иқтидорли ҳужумчиси Неймарнинг жиддий жароҳатлангани нафақат бразилиялик мухлисларнинг, балки мутахассисларнинг ҳам дилини ғаш қилди.

— Ярим финал баҳсигача Неймарнинг саломатлигини тиклаш номаълум, — деди ўйиндан сўнг Бразилия терма жамоаси бош мураббийи Луис Фелипе Сколари. — Шифокорнинг билдиришича, Неймарнинг умуртқа поғонаси жиддий шикастланган. Тўғри, бу футболчининг келгуси фаолиятига таъсир қилмайди. Бироқ у камида 4-6 ҳафта даволаниши шарт.

Яна бир қизиқарли ўйин Аргентина — Бельгия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда Гонсало Игуаин томонидан киритилган гол аргентиналикларни кейинги босқичга олиб чиқди — 1:0. Агар тарихга назар ташласак, Аргентина футболчилари охирги бор ярим финалда 1990 йилги жаҳон чемпионатида ўйнаган. Бош мураббий Алехандро Сабелья эса ўз жамоаси билан орадан йигирма тўрт йил ўтиб, яна шундай муваффақиятни такрорлашга эришди.

Тўртинчи бахтли жамоа номини аниқлаб берувчи чорак финалнинг сўнгги учрашувини дунёнинг миллиардлаб футбол ихлосмандлари қаторида ҳамюртларимиз ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Голландия — Коста-Рика терма жамоалари ўртасида ўтган ушбу ўйинни ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқариб борди. Бу ҳамюртимизнинг Бразилия яшил майдонларидаги тўртинчи, жаҳон чемпионатларида бошқарган тўққизинчи (!) учрашуви сифатида тарихдан жой олди.

Ўйинда асосий ва қўшимча вақтларда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Пенальтилар сериясида эса омад голландияликларга кулиб боқди — 4:3.

Энди навбат — ярим финалга! Бугун бўладиган дастлабки жуфтлик баҳсида **Бразилия — Германия** терма жамоалари ўзаро рўбарў келса, 9 июль куни ўтадиган **Аргентина — Голландия** учрашувида иккинчи финалчи номи аниқланади.

**Эркин ХОЛБОБО**

# Гўзаллик ва саломатлик фестивали

***Мамлакатимизда хотин-қизларнинг соғлом бўлиши йўлида олиб борилаётган тизимли ишлар, улар орасида оммавий спорт турларини тарғиб қилиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар бугун ўз самарасини бермоқда.***

Шу муносабат билан Самарқандда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида анъанавий «Аёллар спорт фестивали» вилоят босқичи ўтказилди.

Мусобақаларда шаҳар ва туманлар жамоалари спортнинг сузиш, енгил атлетика, стол тенниси, дартс, волейбол, шоҳмот, шашка, гимнастрада турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Ушбу фестивалнинг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани туфайли аёлларнинг спортга қизиқиши ортиб бормоқда, — дейди **Нуробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Нодира Ботирова.** — Буни спорт мусобақаларида иштирок этишни истовчилар сафи кенгайиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин. Жорий йилги фестивалда аёллар спортнинг гимнастрада турига ҳам алоҳида тайёргарлик кўриб келгани эътиборга сазовор бўлди.

— Қўшработ туманидаги 12-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчисиман, — дейди **Гулнора Жонибекова.** — Мазкур спорт мусобақаларида гимнастрада, дартс бўйича иштирок этдим.

Фестиваль якунларига кўра, Самарқанд шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

## ОБ-ҲАВО 08-09 — 07. 2014

**Юртимиз бўйлаб (°C)**

| | | |
|---|---|---|
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | +20 / +25 | +37 / +42 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | +20 / +25 | +37 / +42 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | +20 / +25 | +37 / +42 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | +22 / +27 | +37 / +42 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | +20 / +25 | +34 / +39 |
| *Тошкент шаҳри* | +20 / +22 | +37 / +39 |



**Дунё бўйлаб (°C)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +21 / +21 |
| Париж | +20 / +20 |
| Москва | +24 / +24 |
| Мадрид | +26 / +26 |
| Пекин | +33 / +31 |
| Канберра | +11 / +10 |
| Рим | +27 / +26 |
| Афина | +34 / +36 |
| Токио | +31 / +30 |
| Стокгольм | +25 / +25 |
| Кейптаун | +14 / +16 |
| Қоҳира | +34 / +36 |
| Гавана | +33 / +32 |
| Вашингтон | +35 / +32 |

РЕКЛАМА

NBU

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

**2014 йил 10, 15 ва 17 июль кунлари бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукционга таклиф этади**

***Очиқ аукционга «Ўзмиллийбанк»нинг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:***

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Манзили | Асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KINDER FRUITS» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «FARG'ONA KIMYO ZAVODI» масъулияти чекланган жамияти | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Нозим Ҳикмат кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва этил техник спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «NAMANGAN QOG'OZI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «ASIA SOKATO» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Минерал сув, мевали жем ва сабзавотли консервалар ишлаб чиқариш | 1 463 700 000,0 | 717 640,71 |
| 5. | «NUKUS AGRO» масъулияти чекланган жамияти | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Самбай аули | Томат пастасини ишлаб чиқариш | 1 785 453 700,0 | 853 018,82 |
| 6. | «ASAKA MAK» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Асака шаҳри, Т.Алиева кўчаси, 5-уй | Макарон ишлаб чиқариш | 3 546 012 000,0 | 1 610 213,42 |
| 7. | «VODIY MUZQAYMOG'I» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 8. | «OQ SAROY TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 44-уй | Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш | 54 385 350 518,0 | 24 695 917,95 |
| 9. | «KOSONSOY TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Истанбул кўчаси | Трикотаж ипи, жунли ва ярим жунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 10. | «ROYAL SILK» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Чинобод кўчаси, 12-уй | Табиий ипак ишлаб чиқариш | 5 051 423 000,0 | 2 232 248,90 |
| 11. | «CHINOZ TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси, 100-уй | Ип-калава ва мато ишлаб чиқариш | 35 517 582 000,0 | 16 500 542,16 |
| 12. | «NAM TEX» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-б уй | Ип-калава ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 13. | «NAMANGAN TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси | Ип-калава ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 14. | «ANDIJON CHARM» масъулияти чекланган жамияти | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 15. | «SOGDIANA PIPEPLAST» масъулияти чекланган жамияти | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 16. | «GAZALKENT STONE» масъулияти чекланган жамияти | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Заводская кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 17. | «XUMO TO'QIMACHI» масъулияти чекланган жамияти | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳ кўчаси, 2-уй | Ип-калава ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖ, «Xumo To'qimachi» МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

❖ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

❖ аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар томонидан аукционга қўйилаётган «Kinder Fruits» МЧЖ, «Farg'ona Kimyo Zavodi» МЧЖ, «Namangan Qog'ozi» МЧЖ, «Asia Sokato» МЧЖ, «Nukus Agro» МЧЖ, «Asaka Mak» МЧЖ, «Vodiy Muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq Saroy Textile» МЧЖ, «Kosonsoy To'qimachi» МЧЖ, «Royal Silk» МЧЖ, «Chinoz Textile» МЧЖ, «Nam Tex» МЧЖ, «Namangan To'qimachi» МЧЖдаги улушлар бошланғич нархларининг 5 фоизи миқдорида, «Andijon Charm» МЧЖ, «Sogdiana Pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent Stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ҳамда «Xumo To'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 704 929 318 001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (Банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй; телефон (8-371) 234-11-22, 234-15-60.; телефакс: (8-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (8-371) 233-02-49; телефакс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760
11698 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5